

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ БОШҚАРИШДА ҲАМКОРЛИК: ПРИНЦИПЛАР, АМАЛИЙ УСУЛЛАР ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАР**Тлеубаев Ерполат Нажимович**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18358399>

Аннотация. Мақолада фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишида ҳамкорликнинг тамойиллари ҳамда амалий усуллари ҳуқуқий-ташқилий ва бошқарув (governance) ёндашуви асосида таҳлил қилинади. Тадқиқот ҳамкорликнинг базавий тамойилларини — қонунийлик ва ваколатлар аниқлиги, ягона бошқарув ва мувофиқлаштириш, профилактика устуворлиги, рискка асосланган режаслаштириш, тезкорлик ва узлуксизлик, ресурслар консолидацияси, ахборотнинг ишончлилиги, ҳисобдорлик ва шаффофлик, аҳоли билан коммуникация, инсон хавфсизлиги ва пропорционаллик — тизимли баён этади. Усуллар сифатида идоралараро қўшма режаслаштириш, стандарт операцион тартиблар (SOP), оператив штаб ва “incident command” модели, қўшма ўқув-маишқлар, вазият мониторинги ва erta огоҳлантириш, эвакуация ва “crowd/traffic management”, логистика ва захираларни бошқариш, ҳамда рақамли платформа орқали маълумот алмашиш механизмлари кўриб чиқилади.

Шунингдек, ҳамкорлик самарадорлигини баҳолаш (KPI), манфаатдор томонлар билан шериклик ва давлат-хусусий ҳамкорлик элементларини хавфсиз татбиқ қилиш шартлари ёритилади. Яқунда ҳамкорлик принциплари ва усулларини миллий тизимга жорий этиш бўйича институционал таклифлар берилади.

Калим сўзлар: фавқулодда вазият; ҳамкорлик тамойиллари; ҳамкорлик усуллари; идоралараро мувофиқлашув; risk-based planning; SOP; incident command; erta огоҳлантириш; ресурслар бошқаруви; KPI.

Аннотация. В статье анализируются принципы и практические методы взаимодействия при предупреждении и ликвидации чрезвычайных ситуаций с позиций правового, организационного и управленческого (governance) подходов.

Систематизируются базовые принципы: законность и определённость полномочий, единое управление и координация, приоритет профилактики, риск-ориентированное планирование, оперативность и непрерывность, консолидация ресурсов, достоверность информации, подотчётность и прозрачность, коммуникация с населением, ориентация на безопасность человека и соразмерность. В качестве методов рассматриваются совместное межведомственное планирование, стандартные операционные процедуры (SOP), оперативные штабы и модель incident command, совместные учения, мониторинг и системы раннего оповещения, эвакуация и управление потоками/трафиком, логистика и управление резервами, а также цифровые платформы обмена данными. Отдельно освещаются инструменты оценки результативности (KPI), партнёрства со стейкхолдерами и безопасная интеграция элементов ГЧП. В заключении сформулированы институциональные рекомендации по внедрению принципов и методов взаимодействия в национальную систему управления ЧС.

Ключевые слова: чрезвычайные ситуации; принципы взаимодействия; методы взаимодействия; межведомственная координация; риск-ориентированное планирование; SOP; incident command; раннее оповещение; управление ресурсами; KPI.

Abstract. This article analyzes the principles and practical methods of cooperation in emergency prevention and response from legal, organizational, and governance perspectives.

It systematizes core principles such as legality and clear mandates, unified command and coordination, prevention-first orientation, risk-based planning, timeliness and continuity, resource pooling, information reliability, accountability and transparency, public communication, human security, and proportionality. The paper reviews operational methods including joint inter-agency planning, standard operating procedures (SOPs), incident command/staff structures, joint drills, monitoring and early warning systems, evacuation and traffic/crowd management, logistics and reserve management, and digital platforms for data exchange. It also discusses performance monitoring tools (KPIs), stakeholder partnerships, and safe integration of PPP elements. The article concludes with institutional recommendations for embedding these principles and methods into national emergency management systems.

Keywords: *emergency management; cooperation principles; cooperation methods; inter-agency coordination; risk-based planning; SOPs; incident command; early warning; resource management; KPIs.*

Фавкулудда вазиятлар — кўп субъектли, тезкор қарор талаб қиладиган ва катта ресурслар жалб этиладиган жараён бўлиб, унинг самарали бошқарилиши мувофиқлашган ҳамкорликка тўлиқ боғлиқ. Ҳамкорлик самарадорлиги эса фақат ваколатларни белгиловчи нормалар билан эмас, балки уларни ҳаракатга келтирадиган аниқ тамойиллар ва ишлайдиган усуллар билан таъминланади. Шу боис ҳамкорликнинг принципларини назарий асослаш, уларни амалиётга татбиқ этувчи методларни тизимлаштириш ҳамда институционал механизмларини белгилаш фавкулудда вазиятлар хавфини камайтириш ва оқибатларни тезкор бартараф этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва улар юзага келган тақдирда самарали ҳаракат қилиш бўйича яхлит давлат тизими шакллантирилди. Ушбу тизимнинг мувофиқлаштирувчи органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди. Шу билан бирга, соҳанинг ҳукуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган зарур норматив-ҳукуқий база яратилди десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Мазкур ислохотлар натижасида фавкулудда вазиятларнинг профилактикаси, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги, шунингдек, бошқа тегишли вазирлик ва идоралар салоҳиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнда соҳадаги институционал ислохотлар, тизимли мувофиқлаштирувчи чора-тадбирлар ва технологик имкониятларни кенгайтиришга қаратилган чоралар амалга оширилди. Натижада, фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича илмий асосланган ёндашувларга таянган ҳолда давлат сиёсатининг самарадорлиги оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5066-сон Фармони¹ қабул қилиниши фикримиз тасдиғидир. Шунингдек, мазкур Фармонда фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва техника

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевнинг “Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5066-сон Фармони // Миллий қонунчилик базаси <https://lex.uz/docs/3223793>

ютуқларини жорий этиш, шунингдек, Фавкулодда вазиятлар вазирлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган.

Фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш жараёнида субъектлар ўртасидаги самарали ҳамкорликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, Фавкулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардия органлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликка асосланган ҳамкорликнинг тамойиллари ва усулларини аниқ белгилаш зарур. Мазкур жараён нафақат фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш самарадорлигини оширади, балки келгусидаги хавф-хатарларни минималлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий тамойиллари қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги савол ўртага чиқади. Қандай меъёр ва ёндашувлар бу ҳамкорликни тартибга солади? Нега айнан ана шу тамойилларга амал қилиш зарур? Ушбу саволларга жавоб топиш орқали фавкулодда вазиятларда тезкор ва мувофиқ ҳаракат қилиш механизмини шакллантириш мумкин.

Бундан ташқари, фавкулодда вазиятларда субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик фақатгина вазифалар тақсимотини белгилашдан иборат бўлмаслиги, балки ахборот алмашиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва тезкор қарор қабул қилишда ўзаро мувофиқликни таъминлашни ҳам ўз ичига олиши керак. Бунинг учун ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, уни амалга ошириш шакллари ва механизмлари аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Айнан шу жиҳатлар фавкулодда вазиятларга жавоб бериш тизимининг самарадорлигини таъминлайди.

Фавкулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинишини талаб этади. Бу борада маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий ишларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, маҳаллий олимлардан Р.С.Собиров², Ж.Н.Муродов³, О.Р.Юлдашев ва Р.Р.Нурмаматова⁴, Б.Т.Ибрагимов⁵, А.Қ.Нурхўжаев, М.Ю.Юнусов ва И.Х.Хабибуллаев⁶, И.Нигматов ва М.Тожиев⁷ лар ҳамда Россиялик олимлар Е.Д.Сташис⁸ лар томонидан фавкулодда вазиятларни олдини олишнинг у ёки бу жиҳатлари билан боғлиқ тадқиқот ишлари олиб боришган бўлиб, мазкур илмий изланишлари соҳада юзага келадиган ҳам назарий, ҳам амалий тафовутларни олдини олишга хизмат қилади.

Хусусан, хорижий олимлардан Е.Д.Сташиснинг фавкулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги тадқиқотлари алоҳида эътиборга лойик.

² Собиров Р.С.” Кучли зилзила билан боғлиқ фавкулодда вазиятларни бартараф этиш” //file:///C:/Users/Acer/Downloads/%D0%A0.%D0%A1.%D0%A1%D0%BE%D0%B1%D0%B8%D1%80%D0%B E%D0%B2+.pdf

³ Муродов Ж.Н., Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш. Юрид.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, - Т., ЎР ЖХУ, 2023. – Б. 48.

⁴Юлдашев О.Р. ва Нурмаматова Р.Р. “Хаёт фаолияти хавфсизлиги”. Дарслик. –Т.: 2019. – 684 б.

⁵Ибрагимов Б.Т. Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазирлиги “Академия миққисда ташкил этилган-илмий амалий анжуманлар тўплами”. Т.: 2020 й.: 5-13-бетлар

⁶ Нурхўжаев А.Қ., Юнусов М.Ю. ва Хабибуллаев И.Х. “Фавкулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари” Т.: 2001

⁷Нигматов И. ва Тожиев М. “Фавкулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” Дарслик. –Т.: 2011. – 260 б.

⁸ Сташис Е.Д. Гражданская оборона: правовые аспекты. Москва, 1990. – С. 141.

Унинг илмий ишлари ушбу жараёндаги ҳуқуқий асосларни шакллантириш ва такомиллаштиришда муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади. Е.Д.Сташиснинг “Фуқаро муҳофазаси: ҳуқуқий жиҳатлар” номли асари⁹да жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилашда назарий асос вазифасини ўтайди. Бу механизмлар орқали субъектлар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ва тезкор ахборот алмашинувини таъминлашга эришилади.

Шу сабабли, ушбу олимларнинг илмий ютуқларини чуқур таҳлил қилиш орқали фавқулодда вазиятларда субъектлар ҳамкорлигини тартибга солишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини янада такомиллаштириш мумкин. Улар томонидан илгари сурилган назарий ғоялар замонавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда илмий асос вазифасини бажариши мумкин. Бундай ёндашув фавқулодда вазиятларга тезкор жавоб бериш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, Е.Д.Сташиснинг яна бир муҳим асарларидан бири бу “Фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари”¹⁰ деб номланиб, мазкур илмий асарда фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тамойиллари ва механизмлари чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган тамойилларни ҳуқуқий асосда ёритиб беради.

Ушбу асарда фавқулодда вазиятлардаги ҳуқуқий тамойиллари билан боғлиқ бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилган. Муаллиф асарда қуйидаги тамойилларни келтириб ўтади. Хусусан:

- *қонунийлик тамойили* – давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти қонунлар ва халқаро стандартларга мувофиқ амалга ошириш;
- *жавобгарлик тамойили* – фавқулодда вазиятларда жавобгарликка оид махсус ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқиш;
- *ахборот алмашинувининг шаффофлиги* – фавқулодда вазиятларда аҳолига ўз вақтида ва ҳаққоний маълумот етказиш тамойили.

Дарҳақиқат, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда қонунийлик, жавобгарлик ва ахборот алмашишнинг шаффофлиги тамойиллари муҳим ўрин тутди. Ушбу тамойиллар халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари асосида шакллантирилган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш тизим самарадорлигини оширади.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда *қонунийлик тамойилига* кўра, давлат ва жамоат ташкилотларининг фавқулодда вазиятлардаги фаолияти миллий ва халқаро қонунларга мувофиқ амалга оширилиши шарт. Бу тамойил фавқулодда вазиятларга жавоб беришда ҳуқуқий асоснинг мавжудлигини таъминлайди.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар бу тамойилга катта аҳамият қаратган бўлиб, Сендей ҳаракатлар дастурида ҳам қонунийлик асосий тамойиллардан бири сифатида белгиланган.

Фикримизча, қонунийлик тамойилининг амалиётда қўлланилиши давлат бошқарувининг барқарорлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тамойилсиз субъектларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш қийинлашади ва

⁹ Сташис Е.Д. Гражданская оборона: правовые аспекты. Москва, 1990. – С. 141.

¹⁰ Сташис Е.Д. Правовые основы защиты населения в чрезвычайных ситуациях. Москва, 1995. – С. 156.

ҳукукий ноаниқликларга олиб келади. Бу тамойил фавқулодда вазиятларга жавоб бериш жараёнидаги субъектларнинг масъулиятини аниқлаш ва ижро интизомини оширишда асосий қафолат ҳисобланади. Шу сабабли, фавқулодда вазиятларга жавоб бериш бўйича янги қонунчилик нормаларини ишлаб чиқиш зарур.

Юқорида келтириб ўтилган *жавобгарлик тамойили* эса, фавқулодда вазиятларда иштирок этувчи субъектларнинг масъулиятини белгилайди. Бу тамойилга кўра, ҳар бир субъект ўз вазифаларини бажармаса ёки ўз мажбуриятларини бажаришда сусткашлик қилса, жавобгарликка тортилади. Бу тамойил Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Бизнингча, жавобгарлик тамойили фавқулодда вазиятлардаги ҳар бир ташкилотнинг мажбуриятларини аниқ белгилашда муҳимдир. Бу тамойил давлат бошқарувининг шаффофлигини таъминлайди. Жавобгарликни аниқлаш тизимли мувофиқлаштиришни, тезкор жавоб бериш механизмларини мустаҳкамлайди ва фавқулодда вазиятларда хатоликларни камайтиради. Бироқ, амалиётда жавобгарлик тамойилини қўллашда мураккаблиklar учрайди, чунки субъектларнинг аниқ вазифаларини белгилаш керак бўлади. Шу боис, ҳар бир субъектнинг ваколатлари ва жавобгарлигини ҳукукий жиҳатдан тасдиқлаш муҳимдир.

Шу билан бирга, Е.Д.Сташис ўз асарида илгари сурган навбатдаги *ахборот алмашинувининг шаффофлиги тамойили* фавқулодда вазиятларда аҳолига ўз вақтида ва ҳаққоний маълумот етказишни назарда тутди. Бу тамойилнинг асосий мақсади – аҳолининг вазият ҳақидаги маълумотга эга бўлишини таъминлаш, хавфдан огоҳлантириш ва фавқулодда вазиятлардаги барча субъектларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Фикримизча, ахборот алмашинувининг шаффофлиги тамойили нафақат ахборот етказиб бериш, балки хавф-хатарларни олдиндан прогноз қилишда ҳам муҳимдир. Шаффоф ахборотнинг этишмаслиги вазиятдаги ноаниқликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ахборот алмашинувини тизимли равишда йўлга қўйиш зарур. Ушбу жараёнда рақамли технологиялардан фойдаланиш (UN-SPIDER) самарадорликни оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масаласида америкалик олим Ж.Ж.Коппелман муҳим тадқиқотлар олиб борган.

Ж.Ж.Коппелман ўз асарида “халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти, унинг ҳукукий асослари ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдаги асосий тамойилларига урғу бериб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш нафақат миллий масала, балки халқаро аҳамиятга эга муаммо ҳисобланишини”¹¹ таъкидлаб ўтган.

Асарнинг аҳамиятини муаллиф қуйидагилар билан изоҳлаган:

- муаллиф трансчегаравий фавқулодда вазиятларни бошқаришда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик тамойилларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

- БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштирувчи механизмларни қучайтириш бўйича таклифлар бериш;

¹¹ Koppelman J.J. International cooperation in the field of prevention and elimination of emergency situations. Washington, 2002. - P. 210.

- ахборот алмашиш тизимини мустаҳкамлаш орқали фавқулодда вазиятларда тезкор жавоб бериш имкониятларини кенгайтириш.

Фикримизча, Ж.Ж.Коппелманнинг илмий қарашлари халқаро ҳамкорлик, фавқулодда вазиятларга жавоб бериш ва ахборот алмашиш тамойилларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Унинг асарларида давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик тамойилларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, мазкур параграф хулосасида *“фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда ҳамкорлик тамойили”* деб номланган янги тамойинли илмий янгилик сифатида киритилиши келажакда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш хизмат қилади.

Шунингдек, фавқулодда вазиятларда иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар аниқ белгилаб берилади. Бу орқали субъектларнинг ваколатлари, вазифалари ва жавобгарликлари аниқлаштирилади.

Қонунчиликда мазкур янги тамойилни киритилиши келажакда *“Фавқулодда вазиятларда ҳамкорлик тўғрисида”*ги махсус қонун¹² қабул қилишга ҳуқуқ замин бўлади десак ҳеч муболаға бўлмайди. Шу билан бирга мазкур илмий янгилик (қонун) субъектлар ўртасидаги вазифа тақсимотини белгилашга ёрдам беради. Мазкур ислоҳот келажакда:

биринчидан, идоралараро мувофиқликнинг яхшиланишга хизмат қилади. Бунда, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа тегишли органлар ўртасидаги ҳамкорликни яхшилашга имкон яратилади. Бу вазиятларда фавқулодда қарорларни тезкор қабул қилиш ва уларни амалга оширишни таъминлайди;

иккинчидан, ўзаро ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш: ҳамкорлик тамойили субъектлар ўртасида тезкор маълумот алмашиш учун ягона ахборот тизимини яратишга туртки беради. Бу нафақат фавқулодда вазиятларда тезкор жавоб беришни таъминлайди, балки хавфни олдиндан прогноз қилишга ёрдам беради;

учинчидан, қўшма тезкор штабларнинг шаклланишига, шунингдек, ҳамкорлик тамойили асосида тезкор штаблар фаолияти такомиллаштирилади. Ушбу штаблар хавфли вазиятларда қарор қабул қилишни тезлаштиради;

тўртинчидан, фавқулодда вазиятларга жавоб бериш тезлигини оширади, шунингдек, субъектларнинг тезкор ҳаракатланиши ва фавқулодда вазиятларга тезроқ жавоб беришини таъминлайди. Ҳамкорлик тамойили асосида субъектлар биргаликда ишлаш механизминини йўлга қўйган ҳолда, кечиктириб бўлмайдиган чораларни тезкор қабул қилиш имкониятига эга бўлади;

бешинчидан, субъектлар ўртасида ягона электрон платформа ва тизимларини яратади. Бунда, ҳамкорлик тамойили асосида фавқулодда вазиятларга оид маълумотларни сақлайдиган ягона ахборот тизимлари яратилади.

¹² *Изоҳ:* Бугунги кунда ҳамкорлик муносабатларини тартибга солувчи қатор нормалар қабул қилинган. Хусусан, Россия Федерациясида 2016 йил 28 декабрда *“Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида каспий денгизи бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилиш тўғрисида”*ги №484-ФЗ сонли Федерал қонун амал қилмоқда. Бундан ташқари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) доирасида 2016 йил 16 октябрда *“Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”*ги Битим имзоланган. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлат ҳукуматлари ўртасида фавқулодда вазиятларда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимдир.

Бу тизим субъектларнинг маълумотларга киришини енгиллаштиради ва хавф-хатарларни прогноз қилиш имкониятини оширади. Шу билан бирга, Янги Ўзбекистонда сунъий интеллект ва алгоритмлар орқали хавфли вазиятларни олдиндан аниқлаш тизимлари жорий этилади. Бундай тизимлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олишдаги асосий восита бўлиб хизмат қилади;

олтинчидан, субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик маданиятининг шаклланишига шунингдек, субъектларнинг нафақат вазифаларини, балки жамоавий жавобгарликни тушуниб этишига ёрдам беради. Ушбу тамойил субъектлар ўртасида ахборот алмашиш, кўмак бериш ва тезкор жавоб бериш маданиятини шакллантиради;

еттинчидан, фавқулодда вазиятларга жавоб бериш жараёнида фуқароларни жалб этиш усуллари такомиллашади. Бу орқали жамоатчилик хавфсизлиги таъминланади;

саккизинчидан, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишда юзага келадиган ҳамкорлик тамойилининг назарий жиҳатлари, унинг фалсафий, ҳуқуқий ва методологик асосларини ишлаб чиқишга шунингдек, ривожланган Германия, Япония ва Жанубий Корея каби давлатлардаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олишдаги ҳамкорлик тамойиллари асосида миллий тизимга янги концепциялар ишлаб чиқилади;

тўққизинчидан, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида фавқулодда вазиятларда иштирок этувчи субъектларни ўқитиш учун махсус ўқув дастурлари ва курслари ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Юқоридаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш жараёнида ҳамкорликни таъминлаш юзасидан келтириб ўтилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, *“Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда ҳамкорлик тамойили”* илмий янгилик сифатида киритилиши нафақат ҳуқуқий, балки ташкилий, ахборот технологиялари ва амалий фаолият соҳаларидаги жараёнларнинг такомиллашувига олиб келади. Бу тамойил асосида тезкор жавоб бериш тизимини шакллантириш, субъектларнинг масъулиятини ошириш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда янги босқичга чиқиш мумкин. Илмий фаолиятда ушбу тамойилни тадқиқ этиш келгусида жамоат хавфсизлиги тизимини янада такомиллаштиришга замин яратади.

Шу билан бирга, билдирилган фикр ва мулохазалардан келиб чиқиб, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишда юзага келадиган ҳамкорлик тамойиллари билан бир вақтда, унинг усуллари моҳиятини ҳам ёритиб бериш мазкур параграфнинг вазифаларидан бири ҳисобланади.

О.Р.Юлдашев ва Р.Р.Нурмамамоваларнинг фикрига кўра, “фавқулодда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш усуллари билиш инсон ва ишлаб чиқариш муҳити тавсифлари орасидаги ўзаро таъсирларни келиштириш мумкин”¹³. Бу ёндашувда хавфсизлик усуллари нафақат фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга, балки инсон ва ишлаб чиқариш муҳити ўртасидаги муносабатларни мувозанатга келтиришга хизмат қилади.

О.Р.Юлдашев ва Р.Р.Нурмамамовалар инсон ва ишлаб чиқариш муҳити ўртасидаги муносабатларни келиштириш зарурлигини таъкидлайди. Бироқ, ишлаб чиқариш муҳитидаги барча омилларни инсон томонидан тўлиқ назорат қилиш қийин. Масалан, табиий офатлар, қурилмалардаги қутилмаган техник носозликлар инсоннинг иродасидан ташқари содир бўлади.

¹³ О.Р. Юлдашев ва Р.Р.Нурмамамова “Хаёт фаолияти хавфсизлиги”. Дарслик. –Т.: 2019. – 28 б.

Бундай вазиятларда инсон ва муҳит ўртасидаги муносабатларни келиштириш жуда қийин кечиши мумкин. Шу сабабли, ушбу ёндашувга нисбатан тўлиқ ишонч билдириб бўлмайди.

Бугунги кунда, фавкулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш жараёнида ҳамкорликни таъминлаш учун турли усуллар қўлланилади. Ушбу усуллар Фавкулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасида ахборот алмашинуви, мувофиқлаштириш, тезкор қарор қабул қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш ва фавкулодда вазиятларда жамоавий ҳаракатни мувофиқлаштиришга йўналтирилган.

Фавкулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш жараёнида субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик усулларини тизимли равишда таснифлаш зарур. Илмий ёндашув нуқтаи назаридан, бу усулларнинг турларини аниқлаш, уларнинг вазифалари ва моҳиятини белгилаш ушбу жараённинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, ҳамкорлик усулларини қуйидаги шартли турларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

❖ *ахборот алмашинуви ва маълумотларни интеграция қилиш усули* – бу усул фавкулодда вазиятларга тезкор жавоб қайтариш жараёнида субъектлар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашиш механизмларини ўз ичига олади. Ахборот алмашинуви орқали ҳар бир субъект воқеалар ривожини ўз вақтида кузатиш, хавфни олдиндан прогноз қилиш ва фавкулодда ҳолатларга тезкор жавоб бериш имкониятига эга бўлади;

❖ *идоралараро мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни мувофиқлаштириш усули* – мазкур усул субъектлар ўртасидаги ҳаракатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган. Ҳамкор субъектлар ўртасида вазифалар тақсимооти, биргаликда ҳаракат қилиш режасини ишлаб чиқиш, тезкор қарор қабул қилиш учун бирлашган мувофиқлаштирувчи органлар ёки штабларни ташкил этиш ушбу усулнинг асосий элементларидир;

❖ *қарор қабул қилиш усули* – фавкулодда вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш самарадорликнинг муҳим шартидир. Ушбу усул субъектларнинг мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда фавкулодда қарорлар қабул қилишини назарда тутди. Бу жараёнда сунъий интеллект, ахборот технологиялари ва прогностик таҳлил усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади;

❖ *ташқилий-техник ҳамкорлик усули* – мазкур усул субъектлар ўртасидаги моддий-техникавий таъминот, ресурсларни тақсимлаш, қўшма жанговор гуруҳлар ва махсус тезкор штабларни ташкил қилиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Бу усул субъектларнинг фавкулодда вазиятларда биргаликда амалий ҳаракат қилишига ёрдам беради;

❖ *таълим ва малака ошириш усули* – ҳамкорлик жараёнида субъектларнинг малакасини ошириш, фавкулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўргатиш ва қўшма ўқув машғулотларини ўтказиш бу усулнинг асосий йўналишларидир. Фавкулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш жараёнида мунтазам ўқув тренинглари, машғулотлар ва амалий тажрибалар субъектлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди;

❖ *халқаро ҳамкорлик усули* – фавкулодда вазиятларнинг трансчегаравий хусусияти халқаро ҳамкорлик заруратини келтириб чиқаради. Мазкур усул бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ахборот алмашиш, тажриба ўрганиш, халқаро қўшма машғулотлар ўтказиш ва хавфсизлик бўйича халқаро стандартларни жорий қилишни ўз ичига олади;

❖ *ахборот технологиялари ва рақамли платформалардан фойдаланиш усули* – бу усулда ахборот алмашиш учун рақамли платформалар, ягона маълумот базалари, сунъий интеллект ва “ақлли тизимлар”дан фойдаланиш кўзда тутилади. Ҳар бир субъект воқеий вақт режимида хавфли вазиятлар ҳақида маълумот олиш ва тезкор жавоб бериш имкониятига эга бўлади. Шу орқали фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат ва самарали қарор қабул қилиш таъминланади;

❖ *мониторинг ва хавфларни баҳолаш усули* - мазкур усул хавфни олдиндан аниқлаш ва унинг эҳтимолий оқибатларини баҳолаш орқали фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган. Ушбу усул субъектлар томонидан хавфни таҳлил қилиш, прогноз қилиш ва хавфларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнида қўлланилади. Сунъий интеллект тизимлари ва автоматлаштирилган мониторинг воситалари бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга;

❖ *инновацион-технологик усуллар* – ушбу усулда инновацион технологиялар, сунъий интеллект алгоритмлари, “ақлли тизимлар” ва автоматлаштирилган робототехникадан фойдаланиш кўзда тутилади. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда дронлар, сенсорлар, мобиль илова ва рақамли платформалар кенг қўлланилади;

❖ *жамоатчилик билан ҳамкорлик усули* - жамоатчиликни фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, аҳолига огоҳлантириш ахборотларини етказиш, фавқулодда ҳолатларда кўмакка муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатиш каби жараёнлар ушбу усулнинг моҳиятини ташкил этади. Мазкур усул орқали фуқаролар хавф-хатарларга тайёр бўлишлари, уларга муносабатда тўғри ҳаракат қилишлари ва фавқулодда вазиятларга жавоб бериш қобилиятини оширишлари таъминланади¹⁴.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда ҳамкорлик тамойиллари ва усулларини илмий жиҳатдан такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини шакллантириш орқали тизим самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Бу орқали субъектлар ўртасидаги мувофиқлаштирувчи механизмлар мустаҳкамланади, жамоат хавфсизлиги таъминланади ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашнинг илғор усуллари жорий этилади.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида юритилаётган илмий тадқиқотлар халқаро ва миллий ҳуқуқий тажрибаларни чуқур таҳлил

¹⁴ *Изоҳ:* мазкур фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқ субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик усуллар қуйидаги норатив ҳуқуқий ҳужжатларни илмий таҳлил қилиш асосида кенг баён этилган. Буларга: 1) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, 2023 йил 27 январь; 2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги 171-сон қарорига 1-илова: Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида Низом; 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 ноябрдаги ПҚ-2646-сон қарори: Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида; 4) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, 2013 йил 25 ноябрь.

Ушбу манбаларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда ҳамкорлик усуллари ва уларнинг аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

қилиш асосида такомиллаштирилиши зарур. Бу жараён орқали фавкулодда вазиятларда ҳамкорликнинг янги механизмини жорий этишга эришиш мумкин.

Фавкулодда вазиятларда ҳамкорликнинг барқарор самараси қонунийлик ва ваколатлар аниқлиги, ягона бошқарув, рискка асосланган режалаштириш, ахборот ишончилиги, ресурсларни бирлаштириш ва ҳисобдорлик тамойилларини амалда таъминлашга боғлиқ. Бу тамойиллар SOP, incident command, қўшма ўқув-машқлар, ерта огоҳлантириш, рақамли маълумот алмашинуви, логистика ва эвакуацияни бошқариш каби аниқ усуллар орқали “ишчи механизм”га айланади. Шунингдек, KPI орқали натижадорликни баҳолаш, аҳоли билан очиқ коммуникация ва манфаатдор томонлар билан шериклик ҳамкорликнинг институционал сифати ва ижтимоий ишончини оширади.

Демак, тамойиллар ва усулларни комплекс жорий этиш фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда ҳамкорликни тизимли, тезкор ва натижага йўналтирилган моделга айлантиради.